

Бу гулшан саҳнида гул кўп, чаман кўп...

Дил изҳори

Муштарак мақсад

Хамиша эл ардоқлаган, даврасига интиқ чорлаган бир қасб эгалари борки, улар матбуот ходимлари, фидойий журналистлардир.

Уларнинг меҳнатлари замирида барча ҳаётларимизнинг изланишларию интилишлари, муваффақиятларию муаммолари ақс этиб туради. Газета захматқашларининг уйғоқ юраги хамиша ўз қаҳрамонлари ҳаёти билан баб-баравар уради. Уларнинг ютуқларидан қувонади, муаммосидан қунонади. Доймо уларнинг қонига яраш иштиёқида бўлишади. Бугун қалам аҳли ёрдамга мушук кишига ҳамнафас бўлса, эртага янги қаҳрамон ёнига шуошади.

Бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигининг асосий таяничи бўлган 200 мингга яқин фермер ҳўжаликлари фаолиятини ёритиб, уларнинг бунёдкорлик ишларини оммага кўрсаттаётган шарафли касб эгаларини муборак айём билан қизгин қўллаймиз.

Соҳибжон ҚОБИЛОВ,
Ўзбекистон Фермер ҳўжаликлари уюшмаси раиси.

Интиқлик билан...

Севимли газетамиз "Қишлоқ ҳаёти" саҳифаларида мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар мазмун-моҳияти ўз аксини топмакда.

Бу борада илгор тажрибавлар, фидойи кишилар фаолиятининг кенг ёритилаётганлиги, шу билан бирга, айрим нуқсон ва камчиликлар ҳақида танқидий қиқчилар бериллаётгани унинг кенг омма орасига тобора кириб боришини таъминламоқда.


Айниқса, "Долзарб мавзу", "Ислохот", "Бугуннинг гапи", "Яшидир аччиқ ҳақиқат...", "Қарор ва ижро", "Жараён" рўкнлари остида бериллаётган мақолалар бизга манзур бўлаётти.

Унинг иловаиси бўлган "Ҳаёт" саҳифаларида эълон қилинаётган турли мавзудаги

мақолалар оммабоплиги билан киши диққатини ўзига жалб қилади. Мухими, булар "олди-қонди"лардан йироқ, "Ҳаёт"да барча ҳам ўзини қизиқтирган мавзунини топа олади десам, мулоҳаза бўлмайдими. "Оламда нима гап" рўкни остида буюк кашфиётлар, дунё янгиликларига оид хабарлар, "Мулоҳаза, Мушоҳада, Муносабат", "Соҳир соҳиллар", "Табият, Инсон, Саъломатлик" саҳифаларидаги қизиқарли фикрлар ҳеч қимлаётгани унинг кенг омма орасига тобора кириб боришини таъминламоқда.

Латифжон БОБОЖОНОВ,
тиббёт фанлари номзоди,
олий тоифали шифокор.

Бу бўёқнинг ифорлари бор



Фитна оташини ёқманг

Уларнинг орасида хатто "Европа ҳамжамиятида мусулмон мамлакатининг пайдо бўлишига йўл қўймаймиз" деб баёнот бераётган арбоблар ҳам бор. Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси бўлган бир мамлакатда сўров ўтказилганда, аҳолининг 75 фоизини ислом аъёнлари бўлган мамлакатини Европа Иттифоқига қабул қилишга қарши овоз берди. Ваҳоланки, ўша мамлакат ваҳимасидан қўриқиб турган ҳаёт шартларидаги фанатик ишқибозлардан уларнинг нима фарқи бор?

Ҳеч қачон эркинликни бурч ва масъулиятдан устун қўймайлик керак. Ақс ҳолда инсон тубанилик қўчасига кириб қолади. Эркинликнинг ҳам ақл-идрок бошқарилиши, сўзсиз, ақл-идрок. Фикрни эркин ифодалаш устидан, албатта, унинг назорати зарур. Умуман, жамият ҳамда ҳалқ олдидagi бурч ва масъулиятнинг сохта демократия, яъни эркинлик учун қурбон қилиш ўта виждонсизлиқдир. Виждонсизда эса диёнат бўлмайдими. Бу борада гап кетганда, — деди Ўзбекистон раҳбари Олмаотадаги саммитда сўзлаган нутқида, — мисол тариқ-

(Боши 1-бетда)
—Албатта! Яқинда Фарғонада бўлиб, учрашувлар ўтказдик. Айтилган фикр-мулоҳазалардан равшан бўладикки, одамлар дастурларимизнинг ҳаммасини кўришади. Шунчаки вақт ўтказиш, кўнгил-хушлик учун эмас, балки фикрлаб, таҳлил қилиб кўрадилар. Бошловчиларнинг кийимларидан тортиб, дастурни қай даражада табиий, самимий, мазмунли олиб боришларига ҳам зийрак нигоҳ билан кузатадилар.

Кейинги пайтда телевидениеда катта ижобий силжишлар бўлди. "Ассалом, Ўзбекистон" дастури ёзиб олинмайдиган ўз студиямизга эга бўлдиқ. Бу янгилик дастурнинг эътиборини ҳам оширди.

Бошловчиларни, ижодий ходимларни имкон қадар маҳоратли ёш ижодкор журналистлар билан тўлдириб берилди. Юлдуз Очилова, Элеонора Болтабоева, Севдо Ниёзова, Орифжон Шадвалиев каби журналистлар "Ассалом"нинг тонгларида янги нафас, янги руҳ олиб киришга ётганини муҳлислар мактубларда, телефонлар орқали билдиришаёпти.

—Телевидение бошловчилари ҳақида гап кетганда, тез-тез айтиладики бир эътироз — ҳақиқ эътироз бор. Яъни, ёшигина журналистнинг ўзидан анча катта, қоварса, ҳаёт ва мутахассислик тажрибаси салмоқли бўлган одамларга ақл ўргатиши ёки уларни ёш боладай саволга тутуши айрим кўрсатувларда одат бўлиб қолган. Айтилик, фарзандларининг ҳаммасини ақлли-хушли, хунарли, билимли қилиб тарбиялаган, уйли-жойли қилган онага бағна қилиш ҳақида ёшигина озининг сабоқ бериши қизиқ-да!

—Шунинг учун ҳам мен жамоамиз билан ижодий фикрлашув пайтида бир мулоҳазани таъкидлайман: "Тасаввур

"АССАЛОМ, ЎЗБЕКИСТОН!":

Мунаввар тонг учрашувлари

қилинг, экран қаршисида сизнинг ота-онангиздан тортиб академиккача, ўз касбининг усталари, момо-боболаргача ўтиришади. Уларнинг ҳузурига чиқиб хаттоки "Сизга тинчлик-хотиржамлик тилайман" ёки "Бахт тилайман" демоқ учун ҳам маънавий ҳуқуқ бўлиши керак". Шу сабабдан ҳар бир айтиладиган сўз масъулиятини ҳис этиш — журналист бурчи.

—Томошабинлар қайси саҳифаларини, айниқса, яхши кўришади.

—"Фойдали маслаҳатлар", "ТВ-шифокор", "Ҳуқуқ ва бурч", "Яширин камера" саҳифаларига мактублар кўп келади, кўнгируқлар тинмайди. Яна бир гаройиб сиримизни айтсам, бошловчиларимизга йўлланган севги мактублари ниҳоятда кўп.

—Янгилигини бўлмаса, томошабин бошқа янги дастурлардан маънавий озуқа излаши табиий. Ижодий изланишлар ҳақида тўхталсангиз.

—Деврли ҳар ҳафтада бир янгилик билан дастурни



бойи-тишга ҳаракат қилмайсиз. Мультифильмларга янгидан овоз бераймиз. Яқин кунларда ҳажвий саҳифа тақдим этиш, китоб мулоҳазасига оид "Тавсия" саҳифасини очиб ниятчидамиз.

—Томошабинлар, айниқса, чекка қишлоқларда яшовчи қордошларимиз телеижодкорлар билан юзма-юз учрашувларни орзу қилишади. Бундай мулоқотлар журналист қалами, тафаккури, ҳаёт ҳақидаги тушунарларини чарҳлайди. Бугун томошабинлар билан Тошкентда ижод


қилаётган журналистлар узоқлашиб кетмадимиз?

—Биз имкон қадар вилоятларда учрашувлар ўтказаяймиз. Фарғона, Андижонда бир қатор ижодий мулоқотлар ташкил қилдик. Бу аёнана давом этади. Агар жойлардан ташаббуслар бўлиб, тақлифдорлар тушса, учрашувларга бажону дил боришга тайёригим.

—Ижодий жамоангизга, уларнинг оруз-ниятларига тонгдек мунавварлик ёр бўлсин.

М.УЛУҒОВА
сўхбатлашди.

Дил чашмаси



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, журналист Хамдам Эшонкулов билан мулоқот

нинг шу вилоят бўйича муҳбири бўлиб ишлаб келаётган.

—Ҳамдам ака, ёзган китобларингиз талайгина. "Чўпон уйлари", "Чўпон табасуми", "Олис қирлар ортида", "Ҳозгон камалаги", "Яйлов ташвишлари", "Эл суйган аёл", "Қақлик", "Йўл", қорақўлчиликда мактаб яратган чорвадорлар ҳақидаги "Ўзини ямаган одамлар", "Қизилқум айлари". Бу китоблар асосан табиат ва инсон мавзуси, чорвадорлар ҳақида бағишланган. Ҳозирги ижодий изланишларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз.

—Отлар билан учрашув" деган бир китоб тайёрлаётман. Биласизми, журналистикада, адабиётимизда отлар мавзусида жуда кам ёзилган.

—Бир пайтлар "Гулхан" журнали, ҳозирги "Тонг юлдузи" газеталарида бўлирлар ҳақидаги туркум ҳикояларингиз чоп этилган эди.

—Бу мавзунинг яна давом эттириш ниятидаман. Томдидан тайёрланган "Бўрилар ҳам қўй боқадими?" сарлавҳали очерким бор. Биз бури ҳақида хамиша қандайдир қўрқин билан уйл�ймиз ва унга шундай муносабатда бўламиз. Лекин ҳуқуқроқ уйлаб қаралса-чи, у табиатнинг бир бўлиғи.

—Устозларингиз ҳақида тўхталсангиз.

—Туман газетаси ходими Шайх Мухаммад Мergenov, беназир публицист Турғун Пулат менга гоят эътиборли эди. Хамиша нима ёзаётганимни сўраб-суриштирар, йўл-йўриқ кўрсатди. Мен устозлардан маҳорат сирларини ўргандим. Университетда эса Анавар Шомаксудов, Очил Тоғаев, Тоҳир Пидоев, Воҳид Абдуллаев сингари билимдор устозлар сабогини олдим.

—Ва аста-секин ўзингиз ҳам устоз даражасига етдингиз.

—Шоғирдлар ҳақида сўз юритсам, Аҳмад Отабоевни яхши ўқам, дўстим деб биланман. Кейинчалик вилоят "Дўстлик байроғи" газетаси бош муҳаррири бўлиб ишлаган раҳматли Махмуд Мардиевни асло унутмайман. Махмуднинг шеърини ва насрий тўпلامларини муҳлислари яхши билишади. Ҳозир Навоий вилояти матбуот ва ахборот агентлиғи бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлаётган Улаш Нурмонов хизмат вазифини сидқидилдан адо этиш билан бирга, ажойиб мақола ва очерклар ҳам ёзаяпти.

Имкониятдан фойдаланиб, барча устозларимиз, ҳамкасбларимиз, ёш қаламкашларни касб байрамимиз билан қўллаيمان.

Сўхбатни Одил ҲОТАМОВ
ёзиб олди.

YETTI-TOLIMDAN BIR SHINGIL

Гаровдагилар қаерда?

"Ироқдаги Ал-Қоид" ташкилоти Бағдодда ўғирлаб кетилган 4 нафар россиялик элчихона ходимлари ҳақида янги маълумот тарқатди.




Террорчиларнинг интернетдаги сайтларида тарқатилган хабарларга кўра, элчихона ходимларининг барчаси қатл этилган. Бу ҳақида сайтда видеолаҳзалар ҳам намоиш этилган. ВВСнинг хабар қилишича, гаровдагиларнинг қатл этилиши ақс эттирилган видеолаҳзалар ҳақиқий ёки йўлғи мутахассислар томонидан текширилмоқда.

Шу йилнинг 3 июн кuni Ироқ марказида Россия элчихонасининг 1 нафар ходими отиб ўлдирилган ва 4 нафари ўғирлаб кетилган эди. Жавобгарликни ўз зиммасига олган "Ироқдаги Ал-Қоид" ташкилоти гаровдагилар озодлиғи эвазига Россиянинг Чеченистонда маъжуд қўшинларининг олиб чиқиб кетилишини ва Россия қамқончаларида террорчиликда гумон қилиниб сақланаётганларнинг қўйиб юборилишини талаб этишган эди.

Миллиардернинг саховати

Дунё миллиардерлари сафининг иккинчи ўрнида турувчи америкалик тadbиркор Уоррен Баффет бойлигининг 85 фоизини инсонпарварлик ишларига сарф этмоқчи.



Миллиардернинг сўзларига кўра, у 44 миллиард долларни Билл Гейтснинг ОИТС-га қарши курашувчи фонди ва яна учта ташкилотга бўлиб беради. Айрим хабарларда айтилишича, Баффет соғлигининг ёмонлашуви унинг шундай йўл тутушига сабаб бўлган. Баффетнинг ўзи эса бу хотамтойлиғи марум рафиқаси Сюэнинг васияти эканлигини айтмоқда.

Янги қомус ташвишлари

Италия аҳолиси мамлакат конституциясини ўзгартириш борасида олиб бориладиган референдумга овоз беришмоқда.

Бундай тақлифни аввалги бош вазир Сильвио Берлускони билдирган эди. Иккинчи жаҳон урушидан буён амал қилиб келаётган Италия конституцияси ўзгартирилса, мамлакат бош вазирини ҳукумат кабинети аъзоларини бўшатиш ва тайинлаш ҳуқуқини қўлга киритади. Италиянинг янги бош вазирини Романо Проди ва унинг сўл марказчилар коалицияси конституциянинг алмаштирилишига қарши чиқмоқда. Уларнинг фикрига кўра, янги қомус мамлакатда коррупциянинг авж олиб кетишига сабаб бўлиб, Италия сиёсий ҳаётини издан чиқариши мумкин.

Хунрезлик олди олинди

АҚШ Федерал қидирув бюроси (ФБҚ) мамлакатда амалга оширилиши мумкин бўлган йirik терактинг олдини олганини маълум қилмоқда.



қуроллар ва портлатиш моддаларини қўлга киритиши кўзлашган.

Шоколад айборми?

Британиянинг SADBURY компанияси мамлакат савдо пештахталаридан миллионлаб шоколад маҳсулотларини йиғиб олмоқда.

Санитария хизматининг хабарларига кўра, компаниянинг айрим шоколад маҳсулотлари таркибида ошқозон-ичак ўткир инфекция касаллиқларини келтириб чиқарувчи сальмонелла бактериясининг топилуши бунга сабаб бўлган. Йил бошидан мамлакатда бундай касаллик билан оғриганлар сонининг ошиб кетишига айнан компанияда ишлаб чиқарилаётган шоколадлар сабаб бўлаётгани расмий исботланмаса-да, раҳбарият бундан хавотирга тушиб қолган. Компаниянинг бундай йўқотишлардан қўрған моддий зарари ҳозирча маълум қилинмапти.

Хавотирли таҳдидлар

Фаластиннинг "Ал-Ақсо қасоскорлар жамоаси" террорчи гуруҳи кимёвий ва биологик қуроллар яратишга муваффақ бўлганини таъкидламоқда.

Ҳазо секторда тарқатилган варақларда ёзилишича, гуруҳ мутахассислари уч йиллик уринишлардан сўнг 20 га яқин турли қўрқинчлиқ аю шундай қуролларни бунёд этган. Шуниндек, "Ал-Ақсо" раҳбарлари агар Исроил мудофая кучлари Ҳазо секторда харбий амалиёт ўтказгудек бўлса, бу қуроллардан фойдаланишни маълум қилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 27 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юртиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хоржий валюталарининг сўмга нисбатан қуйдаги қийматини белгиллади:

1 Австралия доллари	895,31	1 Польша злотийси	374,59
1 Англия фунт стерлинги	2227,06	1 СДР	1799,06
1 Дания кронаси	205,64	1 Туркия лираси	716,35
1 БАА дирҳами	333,44	1 Швейцария франки	961,72
1 АҚШ доллари	1224,60	1 ЕВРО	1532,59
1 Миср фунти	212,88	10 Жанубий Корея вони	12,78
1 Испания кронаси	16,06	10 Япония иенаси	105,20
1 Канада доллари	1091,83	1 Россия рубли	45,27
1 Ҳитой юани	152,68	1 Украина гривнаси	242,50
1 Малайзия рингити	331,69		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ўшбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Иброҳим НОРМАТОВ,
сиёсий шарҳловчи.

Мухлислари кўп

Тўлқинли дарёни тўсиб бўлмайд...

Хамкасблар ижодидан

Севгингни сездирсанг...

Тикилиб-тикилиб қарайсан...
Хумор кўзларингни қадайсан,
Парвонга олмасан, ўртаниб,
Уқиниб, ўқиниб қарайсан...
Севгингни сездирсанг, ўргилай,
Сархуш-ла ўтти сездирсанг ўргилай!
Хабини жиповлаб, калбимга
Хисинини ёздирсанг, ўргилай!
Сен мени аввал кўп ўйлатдинг,
Сўнг қалбга эзгу хис ўрнатдинг.
Сен-ла кун фарҳад, дил фахрли,
Сен монга севишни ўргатдинг!

Ойдин кеча

Ойдин кеча, ойдин кеча, юрсак биз,
Нигоҳлар-ла ўтти суҳбат курсак биз,
Тепамизда қулиб турса сулув ой,
Шарқираса солиб дилга гулув сой.
Мен фақат шу жуфт гувоҳини истайман,
Юр, юрақол, мен сайлга қистайман.
Ойдин кеча, ойдин кеча, юрак чўғ,
Эзуликдан дилда ўзга тилак йўқ.
Кеча бўлсин на охири, боши бор,
Кеч сайлга сен ҳам ҳис-ла тошиб бор,
Аямай ой бизга нури эласин,
Шу кўчани сир, сеҳрга беласин.
Шарқирок сой шижоатин тиласин,
Ярқирок ой соҳибдорин тиласин.
Ойдин кеча, ойдин кеча кафт мисол,
Унда бўлсин фақат битта чўғ висол.
Иккинчининг кўзларини оташин
Бир-бирига берсин қалб сирин ташиб.
Гарчанд баҳор, сардарат бўлмасин у,
Не гап дарахт панасида, қоронғу...

Умида АБДУЗАЙМОВА

Қанотида отар тонг

Ойдин кеча, чароғон кеча,
От дулури келар узокдан.
Дилда не-не суронлар кечар,
Тилпирчилар қушча тузокда.
Ойдин кеча — ширин бир оғуш,
От дулури — сеҳрар оҳанг.
Тузотини узат унган қуш
Қанотида ота бошлар тонг.

Оҳиста эсади қирғиқ шамоли,
Анҳорда гижирлаб чархалак айланар.
Зангори самода олхалаб эъмолин —
Турналар карвони сафарга шайланар.
Турналар карвони сафарга шайланар,
Тезлашиб кетгандай қуларнинг одими.
Ярқоқлар сарғайиб хазонга айланар,
Намқуш ел келтирар илк ёмғир ҳидини...

Шавкат ТУРОБ

Умид

Орамизда сирли кўприк бор,
Олиб борар қалбларга бу йўл.
Намозшомгул, биздан хабар ол,
Юраккинам, ҳижронларга кўн.
Гарчи бизнинг юк-дардлар оғир
Лек кўтарар кўприк бўзиммас.
Биз болаган ипсиз риштани
Хохламасак ҳеч ким узоқмас.
Бу йўлдан гоҳ кўтариб гамни
Гоҳ шодликни ташиб ўтапмиз.
Жуда-жуда чўзилди фирок
Бу йўлдан бир хабар кутяпмиз.
Эркакни умидларимиз
Талиб борар мадори қолмай.
Эгилмоқда мотин бу кўприк
Соғинчларни кўтарар олмай.
Орамизда сирли кўприк бор...

Хали...

Хали ичилмаган зилол булок бор,
Хали кечилмаган тушлар уқлайди.
Хали кечилмаган йўллар ётар зор,
Тоғларда баҳайбат девлар йўқлайди.
Дайди умр узар сарғайган даштлар,
Чилласи чилмаган шодликлар сачрар.
Чиринган дарахтнинг қовакларида,
Хақиқат ашайди юрак ҳовучлаб.
Олам — гам-ташвишлар ортилган қома,
Бахт бор изларининг тавоф эттали.
Яхши одамлар кўп, қаттол дунёда
Улар сенга тўқнаш келмаган хали.

Уктамой ХОЛДОРОВА

Карвонга эргашган ҳар бир ҳамроҳга
Манзил бир, макон бир, тилак ҳам бирдир.
Эй дўст, бу дунёда фақат гумроҳга
Ҳайт не, ўлим не, яшашни билдир.
Тунда кўз очсанг ҳеч нени кўрмайди,
Сахрода сарбондан ўзи бўлмайди.

Гуллаш бу — ёшариш демакдир, асли,
Ёшариш эл учун эрк берган совға.
Бу кун юрда ўсиш, юксалиш фасли,
Балки хазонли боғ керакдир зогга?!
Зўғ ҳасрати билан баҳор сўлмайди,
Қоқламда кузадек тўзиб бўлмайди.

Халқ улкан бир дарё овоз худудда,
Истаю истама, барибир оқар.
Тоғлар буюк тўғон, аммо сукутда
Ўтмишдан келажак томонга боқар.
Зинҳор кўп қисматин кутма, кўнмайди,
Тўлқинли дарёни тўсиб бўлмайди.

Ялпизга

Ялпиз, кетар бўлсам кузакка қайтиб,
Мени изламагин боғларда дайди.
Кулогин ту, сенга кетайин айтиб,
Баҳорда бевафолар, қузни соғиндим.

Гуллар узилмайин тўқилди гариб,
Кўнглим қирққа кирмай кетмоқда қариб.
Кўзим бир сулувини юрар ахтариб,
Меҳрли, меҳрли кўзни соғиндим.

Кўшга кенг кўкда тутилди ҳилол,
Кўйш, ой висолда сурарлар ҳаёл.
Ялпиз-ширин бўйли меҳрибон аёл,
Дилдаги ҳилолдек юзни соғиндим.

Эй жилга бўйида митти тугкунча,
Кимни соғиндинг, айт, хомушсан бунча?!
Кел, бағримга босай кучоқ тўлгунча,
Мени соғинган бир қизни соғиндим.

Шухрат ТОХИР

Ҳаётимиз ҳамроҳи

Ўттиз йилдан ошдики, механизматор бўлиб ишлаб келаман,
хозирда "Назармахрам" фермер хўжалигини бошқаряман.
Даладан уйга қайтиб бир пийла чойдан сўнг севинли газетамизнинг янги сонини ғарқлаш жону дилим.
"Қишлоқ ҳаёти"га мухлис эканимга ҳам ўттиз йилдан ошди,
десам муболагаси йўқ. Тинч меҳнатдан сўнг осойишта қона-
донингда газета-журнал ўқиб, дам олиб ўтиришга нима эт-
син, бундай дамлар менга ҳаётнинг яна бир неъматидир тую-
лади. Газетада юртимиз ҳаёти, кишиларнинг ўй-фикрлари,
дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар билан танишиш ўз
фикрини тўлдирди, ҳаётни чуқурроқ англашга, дунёни ту-
шунишга қўмақлашди.
"Қишлоқ ҳаёти"нинг иловаси бўлган "Ҳаёт" илк сонлари-
дан бошлаб оиламиздаги барча кўлдан қўймай ўқийдиган ҳаф-
таномга айланган. Чиндан ҳам ҳаётни бутун қирралари билан
бритишга интилайтган, номи ҳам ўзига монанд газетамиз
ҳаётимизнинг чинакам ҳамроҳи бўлиб келяпти.
Соттибой ШОКИРОВ,
Улуғнор туманидаги "Назармахрам"
фермер хўжалиги раҳбари,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизматор.

UZAGROEXPO 2006 2-чи ХАЛҚАРО ИХТИСОСЛАШГАН КўРГАЗМА

Қишлоқ хўжалиги

UzAgroExpo 2006

14-16 Ноябрь 2006

Ўзбекистон, Тошкент, Ўзэкспомарказ

2-чи ХАЛҚАРО ИХТИСОСЛАШГАН КўРГАЗМА

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАХСУЛОТЛАРИ ЖИҲОЗЛАРИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

UzProdTechExpo 2006

Иштирок этишга таклиф қиламиз!

Ташкилотчилар: International Exhibition Group (IEG) LLC

Ташкилий кўмак: "Ўзэкспомарказ" ОАЖ МКК

"Асака" давлат акциядорлик тижорат банки жамоаси

27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қуни муносабати билан мамлакатимиздаги барча журналистларни, матбаа ва нашриётлар ходимларини самимий муборакбод этади.

Сиз, азизларни касб байрамингиз билан қутлар эканмиз, машаққатли, айни дамда, шарафли ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Тошкент Давлат аграр университети жамоаси "Экология ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги" кафедраси катта ўқитувчиси **Абит АДИЛОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат аграр университети жамоаси "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" кафедраси катта ўқитувчиси Исроилхон Асраровга волидаи муҳтарамаси **Валияхон ая АСРАРОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

Республика кўчмас мулк биржасининг Навоий вилоят филиали аукцион комиссияси иштирокида объектнинг бошланғич баҳосини босқичма-босқич ошириш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Савдолар 2006 йил 29 июн кўни Навоий шаҳрида Навоий вилоят Давлат мулкни бошқариш бошқармаси мажлислар залда соат 15:00да бошланади.

Очик аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қўйилади:

- Банкрот деб эътироф этилган "Навоийбодончилиги" МЧЖга қарашли мулклар:
 - Вагон уй АП-4. Бошланғич баҳоси — 350 000 сўм.
 - Вагон. Бошланғич баҳоси — 393 750 сўм.
 - Вагон уй. Бошланғич баҳоси — 376 250 сўм.
 - Резервуар. Бошланғич баҳоси — 110 700 сўм.
 - Пайвандлаш аппарати. Бошланғич баҳоси — 94 560 сўм.
 - Компрессор. Бошланғич баҳоси — 78 000 сўм.
 - КРАЗ автомашинаси. Бошланғич баҳоси — 410 000 сўм.
 - ГАЗ автомашинаси. Бошланғич баҳоси — 404 600 сўм.
 - ЗИЛ-157 автомашинаси. Бошланғич баҳоси — 518 000 сўм.
 - ГАЗ-52 автокюлаги. Бошланғич баҳоси — 404 600 сўм.
 - Траллер. Бошланғич баҳоси — 970 500 сўм.
- Автоприцеп. Бошланғич баҳоси — 229 200 сўм.
- 2-ПТС-793 тиркамаси. Бошланғич баҳоси — 121 290 сўм.
- 2-ПТС-793 тиркамаси. Бошланғич баҳоси — 121 290 сўм.
- Темир шкаф. Бошланғич баҳоси — 75 600 сўм.
- Темир сейф. Бошланғич баҳоси — 31 500 сўм.
- Темир сейф. Бошланғич баҳоси — 31 500 сўм.

Очик аукционга қатнашувчилар савдо ташкилотчисига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

кўрсатилган мулкларни сотиб олиш учун савдо ташкилотчиси ҳисоб рақамига объект бошланғич баҳосининг 10% (фоиз) миқдоридagi гаров пули.

харидорнинг ҳужжати нусхаси;

Аризалар савдо бошланғичига 1 соат қолгунча қадар қабул қилинади. Қўшимча маълумотлар учун манзил: Навоий ш. П.Очилов кўчаси 24-уй. Тел: 224-64-31, 224-15-61, 224-44-01.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ЕХБ жамоаси юрдошларимизни ўт чиқиш хавфи кучаядиган ёз мавсумида ёнғин хавфсизлиги қондаларига изчил риоя қилишга даъват этади.

Утерьянный диплом серия Я, № 981600 (рег. № 3793) выданный в 1978 г. Ташкентской Государственной консерваторией на имя Черновой Светланы Валентиновны считать недействительным.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ	ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Салд АХМАД, Айтига АДИЛОВ, Уктам БАРНОЕВ, Фахриддин КАЛОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Фафур ШЕРМУХАММАД.	МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Аграрноат комплекс таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар	ТЕЛЕФОНЛАР: Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 136-58-83, 136-56-25, Котибият — 133-95-17, Реклама ва эълонлар — 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс — 133-44-43, 133-40-87	ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-58-512-17, 22-35-753; Андижон — 8-374-22-234-08; Бухоро — 8-365-22-644-61; Жиззах — 8-372-22-606-34; Навоий — 8-436-22-60-525; Наманган — 8-369-41-234-23; Фарғона — 8-373-61-221-97; Самарқанд — 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё — 8-376-46-526-61; Сирдарё — 8-367-37-23-813; Тошкент — 8-371-136-56-21; Хоразм — 8-362-22-623-50; Қашқадарё — 8-375-22-517-65.	Реклама ва эълонлар матни учун бюортмачи жавобгар -тижорат мақола	МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй	Навбатчи: Қ.НОРҚОЛЛОВ Саҳифаловчилар: Р.ЕДҒОРОВ, А.САФОНОВ Бош муҳасби: Х.ТОШХУҲАЕВ
--	--	--	--	--	---	---	---

Туман газеталарининг шу худудда оммавийлаштиши ҳам қийин аслида. Денов туманида чиқадиган "Ҳагонийн"ни бугунга келиб республика бўйлаб ўқишарми. Бундай муваффақиятнинг сирини нимада? Газета бош муҳаррири Зоир Мамажонов билан бўлган суҳбатимиз шу ҳақда кечди.

— Матбуот ва бозор иқтисоди, аввало, ўзаро муносабатда унинг меъёрини топишга интилик, маблағлар тахририятнинг ўзида қолишига эришдик. Яъни, обунани ҳам, тарқатишни ҳам жамoa ўз бўйига олди. Газета тарқатишга кетадиган пул ҳо-димларга қоладиган бўлди. Тез орада компьютер, факс, электр-рон почта ишони йўлга қўйдик. Ходимларни моддий рағбатлан-тириш тубдан ахшиланди. Аяни пайтда газета таҳриратлари ор-тиб борди. Ҳаёт қандай бўлса, шундай эвдик, десам муболага-си йўқ. Яъни, яширмадик ҳам, оширмадик ҳам.

Саҳифаларда фель-тон жанри кун-дан-кун жонланиб борди. Президен-тимизнинг ҳаёт-бахш сўзларига, қонуларимизга су-яндик. Базан айрим раҳбарларнинг дақи-дашномларини ҳам эшитишга тўғри келди, қийинчиликларга дуч кел-дик, лекин чин сўзда катъ-ий турдик.

— Сурхондарё олис вило-ят. Денов Ўзбекистоннинг қарий бир чеккаси. Газетангиз-ни Тошкентдан ҳам, Хоразмда ҳам, Фарғонада ҳам ўқишарми. Қийин эмасми?

— Ҳеч нарса бир қолипда қолиб кетмаслиги керак, акс ҳолда у эътибордан узоқлаша-ди, зерикари нарсага айлана-ди. Газетанинг ҳамма учун қизи-қарли бўлишига интиляпмиз. Қолаверса, тарих мавзусидаги мақолалар газетамиз саҳифа-ридан ўрин олапти. "Ҳагонийн" тарихи"ни китоб қилдик. Доимо қонуларимиз ижросига хизмат қиладиган материалларни бе-риб борамиз. Биласизми, ҳаёт-даги қайси бир воқеа миш-миш бўлиб юради. Уша воқеани одамлар миш-миш орқали эмас, асосли тарзда газетадан ўқисин, дейимиз. Ҳаётлик бу, Гийҳавандликка қарши кураш мавзусини манбалар, маълум-отлар асосида чуқур ва кенг ёритамиз. Тахририятимизга ке-ладиган хатлар жавабсиз қол-майди, муҳбирларимиз ўрна-ди. Газетамиз ҳозир 16500 нус-хада чиқаяпти, шунини инобатга олиб, ҳам тарқалган манба-лардан материаллар берамиз. "Ҳа-гонийн" туман ҳокимлиги муас-сислигида чиқадиган ижтимоий-танқидий мақолалар ҳам эълон қилиб борилади.

— Журналист оиласида бирор муаммо туғайли моддий жиҳат-дан қийнаётган бўлса, қули ишга, ёшига бориши қийин. Шу маънода ходимларингизнинг моддий таъминлигини қандай?

— Яъни ишлаган ходимлари-миз ойига 300-400 миң сўмга-ча олади. Янги оила қураётган ходимга тахририят томонидан 300 000 сўм тўна қиламиз. Обу-на мавсумида намуна кўрсат-

ли ёзувчи. Очигини айтсам, биз-да ишлаётганларнинг ҳаммаси чинакам истеъдод эгалари.

топиб, сотиб олиб хажсон билан ўқисин.

— Суҳбатингиз учун катта раҳмат. **Менгюр ОЛЛОМУРОДОВ** суҳбатлашди.

Фикр

Қувонч бағишлайди

Бугун тезкор ахборотлар даври, кейинги уч-тўрт ой ичи-да муҳарриратимиз дастурларидан ҳам англишани, ўзгариш-лар кузатилмоқда. Бошқа эшиттиришларимиз қатори ҳар қуни эфирга чиқадиган "Қишлоқ ҳаёти" ҳам янги роликлар билан бойиди, шаклан ўзгарди, аниқроғи, иқтисодий-ижти-моий, информацион-таҳлилий дастурга айланди. Натижада унда республика аграр соҳасининг барча тармоқларини қам-раб олиш имкони юзага келди.

Чиндан ҳам ҳар қишлоқ бир олам, буни ҳар бир ҳамкас-бимиз ижодий сафарлар давомида ҳам чуқур ҳис қилади. Қишлоқ ахлининг турмуш тарзи, орзу-умидлари, она заминга беқўйс меҳрин, захматли меҳнати ҳақида сўз айтиш бизга доимо қувонч бағишлайди.

Давлатмурод МҲМИНОВ,
FM-103, 1 радиотўлқини орқали эфирга
узатилаётган "Қишлоқ ҳаёти" дастурининг
гурух раҳбари.

Сўз қудрати

Бугунги тезкор ахборот даврида ахборот олиш кафолат-ларини таъминлашга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатла-ри қабул қилиндики, булар давлатимиз томонидан журнали-стлар фаолиятига қўрсатилаётган эътибордан далолат бера-ди. Шу нуқтанга назардан ҳамкасбларимиз халқимизни бўла-ётган воқеалардан тез, тўғри ва ҳолис хабардор қилиш масъ-улиятини чуқур ҳис этадилар. Эзгу мақсадлар билан меҳнат қилаётган "Машъал" ходимлари ҳам доимий изланишда.

Тўлқин ЕРҚУЛОВ,
"Машъал" радиоканалининг тезкор хабарлар бўлими бошлиғи.